

**Марказий банкнинг
Ҳисоб-китоб касса марказларига**

Тижорат банкларига

**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
Ғазначилик бошқармаларига**

**Молия вазирлиги Ғазначилигининг
Амалиёт бошқармасига**

Бюджетдан маблағ олувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Марказий банки Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги ҳамда “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларидан Молия вазирлиги Ғазначилиги оладиган Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича ахборотларни тизимлаштириш мақсадида қуйидагиларни маълум қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида бюджетдан маблағ олувчиларга очилган ғазна ҳисобварақларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларга етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳамда ишлатилмасдан қайтарилган депонент маблағларни ўтказиш мақсадида тегишли банк муассасаларига тақдим этилган тўлов ҳужжатлари мақсадида 5 (беш) рақамдан иборат иловада келтирилган маълумотномага мос келадиган тўлов коди акс эттирилиши лозим.

Бунда, юридик ва жисмоний шахслар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳамда ишлатилмасдан қайтарилган депонент маблағларни ғазна ҳисобварақларга ўтказишда мазкур маълумотномага мувофиқ қуйидаги 09510 – “тушум ёки даромадлар”, 09560 – “Ишлатилмасдан қайтарилган депонент маблағлар” ёки 09590 – “бошқалар” тўлов кодлардан бири кўрсатилиши шарт.

2. Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий ҳисобварақларига тўловларни амалга оширишда тўлов ҳужжатларида (тўлов топшириқномаларида) иловадаги тушум турлари бўйича маълумотномадаги кодларни тўғри қўйилишини таъминлашлари ва бюджетдан маблағ олувчиларга тўлов ҳужжатларини юқорида қайд қилинган талабларга мувофиқ тўлдирилиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришлари лозим.


3. Ғазна ижроси билан қамраб олинган **бюджетдан маблағ олувчилар ўз навбатида етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун пул маблағларини ўтказувчиларга** тўлов ҳужжатларини тўлдириш ва банк муассасаларига топширишда, ушбу тўловларни ўз вақтида ва тўғри тушушини таъминлаш мақсадида, тўлов ҳужжатларида мазкур хатнинг 1-бандидаги кодларни **етказишлари** ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини тўғри ва тўлиқ кўрсатилиши шартлигини **тушунтиришлари** лозим.


Банклар юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатлари мақсадида 5 (беш) рақамдан иборат мазкур маълумотномага мос келадиган тўлов коди тўғри қўйилганлигини текшириб кўриб тўловларни ўз вақтида ўтказишни таъминлайди.

4. Мазкур хат талаблари ижроси устидан назорат тегишли бюджетдан маблағ олувчилар, банклар ва ғазначилик бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.


Илова 1 варақда.


Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги Ғазначилиги бошлиғи –
Молия вазири ўринбосари


Б.Ашрафхонов
“17” ~~8~~ август 2011 йил
БА/31-01/1-33-13/В-сон



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг ўринбосари


М.Эшматов
“17” ~~8~~ август 2011 йил
15/27/51 - сон



Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва
Марказий Банкнинг
2011 йил “ 17 ” 84 баф даги
БА/31-0111-34-13/13 ва
15-27/51 -сонли хатига
илова

Тушум турлари бўйича маълумотнома

Бўлим RRR	Параграф PP	Номланиши
095	10	Тушум ёки даромад
095	20	Бюджет ссудаси
095	25	Бюджет ссудасини қайтариш
095	30	Юқори бюджет томонидан қуйи бюджетга ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ўтказиш
095	35	Қуйи бюджет томонидан юқори бюджетга ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ўтказиш
095	40	Дотация, субвенция
095	45	Дотация, субвенцияни қайтариш
095	50	Нақд пул маблағлари бўйича ҳисобварақлардан қайтарилган маблағлар
095	60	Ишлатилмасдан қайтарилган депонент маблағлар
095	90	Бошқалар